

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АҲБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 8-сон



фойдаланишнинг аҳамияти	
Воснева А.Т	
89 Публицистик матнлар билан ишлашда миллий-маданий ёндошув	468
Джумамбетова Д.К	
90 Техника олий таълим муассаларида талабаларни ижодкорлик	
қобилиятларини шакллантириш	
Инамидинова Д.К	474
91 Интерфаол таълим асосида дарсларни ташкил қилиш – таълим	
самарадорлигини ошириш манбаи сифатида	
Хайтбаева Г. И	479
92 Мактабда рус тилини ўрганувчиларнинг билимларини назорат қилишни	
назарий ва психологик асослаш	
Турдиева Д.М	486
93 Boshlang'ich sportchi o'uvchilarini jismoniy rivojlanishida sport to'garaklarini	
mazmuni va uning tuzilishi	
Jiyanov О.М, Nabijonova М. М	494
94 Анализ антропонимов на основе этнолингвистических факторов	
Джумаева Д.Б	499
95 Вопросы цифрового вещания по системе Dab	
Иноятова Н.С	506
96 Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти" фанини ўргатишида интерфаол	
методлардан фойдаланиш	
Исматов П.А	511
97 Yosh basketbolchilarning ish qobiliyatlarini tiklashda, biologik va tibbiy	
vositalardan foydalanish	
Mirzayev S., Исмоилов Т, Otamirzayev О	516
98 Оила, махалла, мактаб ҳамкорлигида ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган	
кучли мотивациясини оширишга замонавий ёндашувлар	
Махмуджонов А. Б.....	519
99 Maktab ta'limalida jismoniy tarbiya fanini o'qitishning joriy holati, mavjud	
muammolar va ularning yechimlari	
Mamajonov D.A, Karimov N.X, Ismatov P.A	525
100 Китобхонликни шакллантириша хориж тажрибалари	
Муминова Д. А	529
101 Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini tadqiqotchilik faoliyatiga tayyorlashning	
psixologik-pedagogik asoslari	
Pardaboyev О'А	535
102 Роль наставничества в современном образовании	
Хайдаров С.Н	539
103 Саид Ахмаднинг "Қоракўз мажнун" ҳикояси матни устида ишлаш	
жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиш	
Абдуллаев К.А	544
104 Использование мультивариантной технологии при формировании понятий	553



3. B.Boybovoyev. Olimpiya ta'limi va jismoniy tarbiya jarayonida pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. Namangan. 2018 yil. – 21 b.
4. T.Ismoilov. Zamonalvij jismoniy tarbia yuqituvchisining pedagogik faoliyati. Yuvuv k'ullanma. Namangan. 2018 yil. – 6 b.
5. Namangan davlat universiteti Jismoniy madaniyat kafedrasasi o'qituvchilarining xisobotlari. 2021 yil, yanvar.

КИТОБХОНЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Муминова Дилафруз Акбаралиевна

Наманган давлат университети бошлангич таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, PhD

Email: dilbarxon2008@mail.ru

Аннотация : Мазкур мақолада хорижий тажрибаларнинг бошлангич синф ўқувчиларида китобга муҳаббат уйлоғиши бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишлари, китобхонлик китобхонликка қизиқтиришида ота ва оналарнинг ўрни, ўқиши қоидалари, бадший адабиётга бўлган қизиқишларини оширишга доир матъуломотлар келтирилган.

Калит сўзлар: бошлангич синф, китоб, хорижирий, ота-она, ўқувчилар, китобхонлик, нутқ, бадший адабиёт, таълим, сподхонлик, шахс, мутолаа маданияти.

FOREIGN EXPERIENCES IN THE FORMATION OF LIBRARY

Muminova Dilafruz Akbaralievna

Head of the Department of Methods of Teaching Exact and Natural Sciences in Primary Education, Namangan State University, PhD

Annotation: This article provides information on research conducted by foreign experts on the love of books in primary school students, reading, the role of parents in the interest in reading, the rules of reading, increasing interest in fiction.

Keywords: primary school, book, foreign, parent, students, reading, speech, fiction, education, literacy, personality, reading culture.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЕ ЛЮБЬИ К КНИГАМ

Муминова Дилафруз Акбаралиевна

Зав.кафедрой Методики преподавания естественно-математических дисциплин в начальной школе факультета Дошкольного и начального образования Наманганского государственного университета

Аннотация : В данной статье рассматриваются материалы зарубежных исследователей в начальных классах о правильной чтение, любовь в художественной литературе и книге, а также придуманы читательские культуры правильного чтения

Ключевые слова: начальный класс, книга, ученики, читательских, умений, художественная литература, чтение, культура чтения



Кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти давомида инсоният бир неча мўъжизавий неъмат – моддий ва маънавий ашёга эта бўлган. Улар: овоз, нутқ, ёзув ва китоб. Тараққиётнинг турли босқичларида эволюцион (аста-секин оддийдан мураккабга томон бориш) асосида инсоният қўлга кириптган бу ашёлар цивилизациянинг навбатдаги босқичи учун асос бўлиб хизмат қылган. Агар инсоният овоз, нутқ ва ёзув ёрдамида ўзаро ижтимоий муносабатларни ташкил этиш, хоҳиши-истакларни, интилишларни бир-бирига баён қилиш имкониятига эта бўлган бўлса, китоб воситасида ўз онгини бойштиш, нутқи, фикрлаш ва мантиқий тафаккур юритиш қобилиятини ривожлантиришга муваффақ бўлган.

Инсоният тарихида динларнинг вужудга келишида ҳам китоб асосий восита бўлганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Мусо алайҳиссалом "Таврот", Исо алайҳиссалом "Инжил" ("Библия") ҳамда пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) "Қуръон" каби муқаддас китоблар орқали кишилар ўртасида ўзлари мансуб бўлган дин асосларини тарзиб этган. Аллоҳ томонидан сўнти уч нафар пайгамбарга муайян китобларнинг нозиг қилиниши бу шаклдаги моддий ашёнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал имкониятларини тўла намоён қилишга асос бўла олади. Зоро, оғзаки баён этилган фикрларни авлоддан авлодга узатишда уларда ифода этилган асл мақсад, гоя, қарашга зиён етадиг беъзан шаклан, кўп ҳолатларда мазмунан ўзгаради. Ёзма баён этилиб, бошқаларга узатилган ҳар қандай фикр, гоя, қараш ўзининг асл "қиёфаси"ни, шаклини, шу билан бирга, мазмунини сақлаб қолади. Хатти-ҳаракат, ижтимоий ахлоқнинг туб негизи, кишилар учун маънавий-ахлоқий йўриқнома бўлган диний манбалар – "Инжил", "Таврот", "Қуръон"даги гояларнинг аслидек сақланиши, ўзгартирилмаслиги ягона тартиб-қоидалар сифатида барқарор бўлишини таъминлайди. Шу сабабли уларнинг китоб ҳолда мавжудлиги муҳим амалий аҳамиятга эга.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва хужжатли манбаларни, айниқса, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг юзага келиши ва ривожланишига шароит яратди. Кутубхоналар ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида жуда қадимдан пайдо бўлган. Жумладан, Ўрга Осиё ҳудудида миоддан аввалги I минг йилликнинг сўнти асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Улар ҳукмдорлар саройларида ва ибодатхоналарда ташкил этила бошлаган. Бу даврда ёшларга таълимтарбия беришда шахсий кутубхоналарнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Уларни, асосан, бой табақага мансуб бўлган кишилар ташкил этганин [76, 19].

Марказий Осиёда кутубхоналар ўтмишдаёқ ривожланган бўлиб, улар асосан хон саройлари ва мадрасалар тасарруфида бўлган. Мамлакат ҳукмдорлари кутубхоналарнинг равнақи, уларни бойитиш, хаттоллар билиан таъминлаш соҳасида доимий замхўрлик қилиб келганилар.

Қадимги кутубхоналар орасида энг машхурлари Александрия (Искандария), Бухоро амирлиги ҳамда Богдод кутубхоналари бўлган. Бирок, XX асрга қадар кутубхоначилик педагогикаси у қадар ривожланмаган эди.

Тарихий манбаларда X асрнинг улуғ олимларидан бири бўлган андалусиялик Ибн Рушднинг умри давомида фақат икки кунгина, яъни биринчиси уйланган ва иккинчиси отаси вафот этган кечада китоб ўқимаганилиги, тобеъинлардан Урва ибн Зубайр розияллоҳу анхунинг эса ҳаётида бир марта – қорасон бошланган оёги наркозсиз кесиб ташланганда ҳушдан кетиб, китоб (Қуръон) ўқий олмаганилигига оид матълумотлар келтирилади [113].



Китобни улуглаш, болалар ўртасида им-маърифат асосларини тарбиб қилиш мақсадида кутубхона ташкил этишда жадидчилик ҳаракатининг вакиллари ҳам ибрат кўрсатган. Масалан, наманганик маърифатпарварлардан бири Исҳоқхон Ибрат ўз уйида "Кутубхонаи Исҳоқия" деб номланган кутубхона ташкил қилган. Ушбу кутубхона фондидан ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилиларида яратилган адабиётлар ўрин олган. Исҳоқхон Ибратнинг кутубхонаси нафақат у ўқитган ўқувшиларга, шунингдек, қишиюқ аҳолисига ҳам хизмат қилиган. Кутубхонадаги китоблар уларнинг характеристи, йўналишинга кўра бир неча бўлимларга ажратилган. Хусусан, мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлимдан С.Саидазизовнинг "Устоди аввал", Абдулла Авалонийнинг "Биринчи муаллим", "Туркӣ гулистан ёхуд ахлоқ", Р.Юсуфбек ҳожи ўелининг "Раҳбари ҳисоб" каби дарслик ва ўкув кўлланмалари ўрин олган. Ибрат кутубхонаси доимий равишда бойиб борган. Маърифатпарвар томонидан кутубхона фаолиятининг йўлга қўйилиши, китобхонлар томонидан китобларнинг олиниши ва топширилиши қайд этилган дафтарларнинг юритилиши, шунингдек, ўқувшиларнинг китоб мутолаа қилишлари, ўқишилари шахсан назорат қилиб борилган [42].

Жаҳон миқёсида бутунги кунда ёшлиар ўртасида китоб ўқишини тарбиб қилиш, уларнинг фаол китобхон бўлишига эришишда давлатнинг фаол аралашуви, ижтимоий иштироки асосида бу йўналишда дастурий-лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш, интернет-технологияларидан фаол фойдаланиш ҳамда китобхонлик фаоллигини оширишга йўналтирилган ижтимоий-психологик механизмларни излаб топиш замонавий анъана тусини олмоқда [80, 17].

Ривожланган давлатларда мавжуд шароитда асосий эътибор кутубхона-ахборот тармоқларини ривожлантириш, уларни анъанавий ва замонавий китоблар ҳамда китоб маҳсулотлари билан бойиши, аҳоли, шу жумладан, ёшлиарда китоб ўқишига бўлган қизиқишини ривожлантиришга қаратилган тарбиботнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини яратишга қаратилган. Ҳозирги кунда "... аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчликни олган Швейцария кутубхона-ахборот тармоқлари сони бўйича ҳам биринчи ўрин" [113]ни эгалламоқда. "Беш миллион аҳоли яшайдиган Финляндияда 1500 оммавий кутубхона, шунча китоб тарқатувчи пункт, 250 та кўчма кутубхона (билиобус) ишлаб турибди" [113].

Алоқида қайд этиб ўтиш керакки, "Финляндияда барча болаларнинг ўрганиши ва ривожланиши учун тенг имкониятлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Мамлакат маданият жамғармаси томонидан уюширилиган 1,2 миллион евро миқдоридаги қийматта эга бўлган акцияга кўра 2019-2021 йилларда тупиладиган барча чақалоқлар совға сифатида китоб олади [148].

Китобларни чоп этиш ва уларнинг савдосини изчили йўлга қўйишда Норвегия тажрибаси ҳам бошқа давлатлар учун намуна бўла олади. Мазкур давлатда ушбу соҳа "ижтимоий-маданий ривожланишнинг алоқида йўналиши сифатида эътироф этилган. Муаллифлар, нашриётлар ҳамда давлат ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа мавжуд бўлиб, унга кўра янги китоб чоп этилса, унинг 1000 нусхаси (агар болалар адабиёти бўлса 1500 донаси) ҳукумат томонидан сотиб олинади. Сотиб олинган китоблар мамлакатдаги барча кутубхоналарга тенг тақсимланган ҳолда тарқатилади" [95].

Шарқ давлатлари қадимдан китобга бўлган ижтимоий-тарихий муносабатнинг ижобийлиги билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиб келган. Бутунги кунда ҳам "китоб тарбиботининг энг яхши намунаси Эрон Ислом Республикасида амалга



оширилмоқда. Мамлакатда турли мавзуларда чўнтақ китоблари нашр этилган бўлиб, мазкур тадбир ўқишига бўлган қизиқиши пасайишнинг олдини олишига ёрдам берган” [143].

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасида глобал ахборотлашув муҳитида аҳоли, хусусан, ёшларда китоб ўқишига бўлган изжбий муносабатни қарор топтиришга қаратиган кент кўламли ижтимоий ҳаракатлар негизида тарбиботнинг инновацион воситаларини излаш етакчи ўрин тутади. Айни ўринда бир қатор давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини мисол сифатида келтириш мақсаддага мувофиқ саналади.

АҚШ китоб нашр этившилиари Кенгашининг вакили бўлган Патрика Журнинг қайд этишича, Америкада китоб ўқишига бўлган қизиқиши кучайтириш йўлида амалга оширилган чоралардан бири – китоб ўқилаётган ҳолатни ифодаловчи реклама плакатларида таниқли шахслар қиёфасининг берилиши саналади [143].

Сеул шаҳрида “Китоб ўқишини ривожлантириш ва унинг китоб бозорига таъсири” номли китоб кўргазмасида “Чу Сан Дейли” газетасининг мухбири Ким Ки Чуль хонадонлардаги меҳмонхонани кутубхоналарга айлантириш китобхоналар сонини сезиларни даражада оширишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтади [143].

Вьетнамда “китоб кўчалари” ташкии этилган бўлиб, ушбу кўчаларда доимий равишда турли мавзуларда чоп этилган китобларнинг муаллифлари билан учрашув, семинар ва конференциялар уюштирилади... Нашриётлар ва китобхонлар ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаш йўлида кўплаб юридик ва жисмоний шахслар оиласи кутубхоналарни ҳамда ўзлари жойлашган худудларда “китобхоник муҳити”ни ҳосил қилишда фаоллик кўрсатмоқда [84].

Ривожланган мамлакатларда ўқувчиларга ижтимоий, педагогик ҳамда маданий кутубхона хизматини кўрсатиш уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш [87, 16]га йўналтирилган муҳим соҳа саналади. Марказий Осиёда миллий кутубхонани барпо этиш ва унинг фондини тарихий ҳамда замонавий асарлар билан тўлдиришга қаратиган умуммиллий ҳаракатнинг ёрқин намунаси сифатида Тожикистон тажрибасини мисол қилиб келтириш ўринлидир.

Тожикистон миллий кутубхонасининг биноси 2012 йил 20 марта, Наврӯз байрами арафасида ошилган. Бу воқеа арафасида мамлакатда китоб тўплаш умуммиллий акцияси ўтказилиган ва унда давлат, жамоат ташкилотлари, аҳоли фаол иштирок этган. Натижада 3 миллионга яқин китоб топширилган. Ҳозирда кутубхона фондида 6 миллиондан ортиқ китоб, газета-журнал, электрон материаллар сақланади. Очиқ китоб шаклида курилган тўққиз қаватли бино (узунлиги 167 метр, баландлиги 52 метр, умумий майдони 45 минг квадрат метр) Марказий Осиёдаги энг катта кутубхона саналади. Бу ерга кираверища тозик халқининг 22 нафар атоқли фан, адабиёт ва сиёsat арабби биёсти жойлашган. Улар сирасида Фирдавсий, Саъдий, Хоғиз, Рудакийдан тортиб Мирзо Турсунзода ва Эмомали Раҳмонгача бор.

Имконияти чекланган кишилар учун алоҳида бўлим хизмат қиласи: бу ерда овозли нашрлар ва Брайл алифбосидаги китоблар сақланади. Миллий кутубхонанинг янги биноси қурилиши бошланган кун – 4 сентябрь мамлакатда “Китоб куни” деб эълон қилинган [100].

Жаҳоннинг бир қатор ривожланган давлатларида “Китоб кўргазмаси”, “Китоб байрами”, “Китоб ярмаркаси” каби тадбирларнинг ташкии этилиши анъанага айланган. Сўнти йилларда мазкур анъана Марказий Осиё давлатларида ҳам кент ёйилмоқда.



Жумладан, 2018 йилининг 25-28 апрель кунлари Қозогистон Республикасининг Остона шаҳрида ташкил этилган III Евроосиё халқаро китоб ярмаркаси [151]да ўнлаб мамлакатларнинг адилари, нашриётлар ва китоб дўконларининг вакиллари иштирок этди. Китоб ўқиш ва китобхонликнинг ўзига хос тарниботи бўлган мазкур тадбир, турли давлатларда фаолият юритаётган адилари, нашриётлар ва китоб дўконлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этди.

Фуқароларда китоб ўқишга изжобий муносабатни шакллантиришда китоб савдоси ҳам муҳим ўрин тутади. Глобал ахборотлашув шароитида китоб савдосини ташкил этишининг замонавий шакли – Интернет дўкони фаолиятини йўлга қўйимокда. Китоб савдосини ташкил этивчи "ЛитРес", "Лабиринт", "OZON" каби Интернет дўконлари фаолияти ҳам "глобал ахборотлашув ва технологиялашув шароитида янги урфдаги анъана" [80, 20] сифатида вужудга келди. Айни вақтда "кўплаб хорижлик ва маҳаллий ёзувчilar ижтимоий тармоқларда тезкор тарбиб этиш тўлқинида "В Контакте", "Facebook", "Twitter", "Instagram", "LiveJournal" ва бошқа ресурсларда ўз саҳифаларини яратди ва уларни фаол юритиб келмоқда" [80, 20]. Мазкур ҳодисанинг аҳоли, хусусан, ёшлиар ўртасида китобхонлик тарниботини кучайтиришга ҳам хизмат қилиши кувонарлиди.

Ривожланган хорижий давлатларда "узоқ аҳоли пунктларида яшайдиган ҳамда кутубхоналарга бориши имконияти чекланган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида кўчма кутубхона хизматини ривожлантириш, кутубхоналараро абономент ва хужжатларни электрон етказиб беришни, кутубхона ресурсларидан масофавий фойдаланишни йўлга қўйиш, ушбу зиё масканларида индивидуал, гуруҳ ҳамда оммавий китобхонликни тизимли равишда ташкил қилишни ривожлантириш, мутолаа маданиятини тарбиялаш, юксак бадиий асарларга ошно қилиш, мамлакатимиздаги кутубхоналар имижини яхшилаш бўйича аниқ механизмлар"ини яратиш каби таклифлар илгари суриимоқда [90].

Ёзувчи ва миллионер Стив Сиболд дунёнинг энг бой одамларидан батъилари билан 30 йилдан ортиқ сухбатлашди ва уларнинг кўпчилигини мутолаага бўлган муҳаббат бирлаштириб туришини аниқлади. "Ўрта синф романлар, таблоидлар ва кўнгилочар журналлар ўқиёди. Бадавлат одамнинг хонадонига кирсанпиз, биринчи кўзинизга ташланадиган нарсалардан бири уни муваффақиятта олиб келган улкан кутубхона бўлади", - дейди ёзувчи. Машҳур миллиардерларнинг кўпчилиги ушбу нуқтаи назарни тасдиқлайди. Масалан, Билл Гейтс йилига 50 га яқин китоб ўқиёди, Уоррен Баффетт иш кунининг 80 фойзини мутолаа учун сарфлайди. Илон Маскдан у ракета куришни қандай ўрганганини ҳақида сўрашганда, у "Мен китоб ўқиёман" деб жавоб берган [117].

Халқаро миқёсда турли давлатларда китоб ўқишга бўлган муносабатни аниқлашга қаратилиган тадқиқотлар амалга оширилди. Ана шундай тадқиқотлардан бири "NOP World" халқаро рейтинги агентлиги томонидан ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, 2016 йилда ҳафтасига энг кўп китоб ўқиёдиган мамлакатлар рўйхатида Ҳиндистон етакчи ўринни эгаллаган. Ушбу давлатда аҳоли ҳафтасига ўртacha 10,7, Таиландда 9,4, Хитойда 8, Филиппинда 7,6, Чехија 7,4, Россияда 7,1, Швеција 6,9, Франција 6,9 ва Венгрија 6,8 соат китоб ўқилади [90].



Шу билан бирга қатор агентликлар изчили равишда жаҳон мамлакатлари ахолисининг китобга бўлган талаб ва эҳтиёжини ўрганиб боради. Агентлик томонидан эълон қилинган жаҳонда китобга бўлган талабни ўрганишга доир тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сўнити 30 йилда бир номдаги китоб маҳсулотларини чиқариш уч баравар, адади бўйича 4 баравар кўпайди. Бутунги кунда дунёда ҳар йили қарийб бир миллион номда китоблар чоп этилади. Масалан, АҚШда киши бошига 10 та, Россияда 9,5 та, Францияда 5 та, Хитойда 3,5 та китоб босимоқда [90].

Мутолаага қизиқишининг сусайиши, ўз навбатида, аҳоли саводхонлиги даражасининг пасайиши жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта таҳдиидлардан саналади. Шунинг учун ҳам кўпилаб ривожланган мамлакатларда бу салбий ҳолатнинг олдини олишга қарши қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда [90].

Хулоса қилиб айтганда шахсда китоб ўқиши ва китобхонликка изжобий муносабатни қарор топтириш ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун ҳар бир шахсни мактабгача таълим ёшидан бошлаб, китоблар билан таништириш, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти, амалий қийматини тушунишлари учун зарур педагогик шарт-шароитни яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиши ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарбија қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўтрасида"ти (2017 йил 13 сентябрь) Қарори //Дек.uz/docs/3338600.
2. Збаровская Н.В. Формирование культуры чтения в общедоступных библиотеках: Дисс...канд.пед.наук. – СПб.: 1997. – 156 с.
3. Ибрат. Ажзий. Сўфизода. – Т.: Шарқ, 1999. – 38 б.
4. Из детства – в творчество / Программа для родителей и воспитателей по формированию здоровья и развитию детей от 1 года до 7 лет. Т.Н.Доронова и др. – М.: Просвещение, 2007. – 303 с.
5. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт / Масъул мухар. М.Бекмуродов. – Т.: Фан, 2004. – 192 Б.
6. Қаюмхўжаева Ё. Ўкувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш имкониятлари. – Т.: А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, 2007. – 12-48-б.
7. Абдуллаев А. Мутолаа маданияти интеллектуал салоҳиятни белгилаб беради //https://kun.uz/13172148.
8. "Болаларсиз" болалар кутубхонаси //https://kun.uz/news/2019/01/21/bolalarsiz-bolalar-kutubxonasi.
9. Доврути достон Душанбе ёки мўъжаз пойтахт мўъжизалари //http://google.com/amp/s/daryo.uz
10. Китоб ўқимаган халқ экологияка маҳкум //http://ufq.uz/2017/11/13/548.
11. Мутолаа мўъжизаси китобхонлик маданияти – маданийлар мажири //http://betakrorbuxoto.uz/uz/2018/07/06/otvolodiev-suhabatlashdi.

